

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Х У К М

2023 йил апрель ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Кармана туман суди очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: А.Сайдуллаев,

Судья ёрдамчиси Р.Ражабовнинг котиблигида, томонлардан Кармана туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Нурматов, жабрланувчи [REDACTED]

[REDACTED] ва унинг ҳимоячиси “ADVAKAT SH-FOZILOVA” адвокатлик бюроси адвокати Ш.Фозилованинг иштирокида, [REDACTED] нисбатан бўлган №1-2103-2302/58-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни аниқлади.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] 05.11.1994 йил Бухоро вилояти Шофиркон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ЯТМФБШ, Бухоро вилояти Шофиркон тумани [REDACTED] яшайди, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 02.03.2023 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг кўрсатмаларини эшитиб, жиноят ишидаги бошқа далилларни атрофлича текшириб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 2022 йил 18 октябрь куни соат 18:00да ўзининг бошқарувида бўлган “Матиз” русумли, [REDACTED] давлат белгили автомашинасини Кармана тумани ҳудудидан ўтувчи М-37 автомобиль йўли 160-км.дан “Бухоро-Тошкент” йўналиши бўйлаб бошқариб келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 12.04.2022 йил кунидаги 172-сонли қарори билан



тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидаларининг” 73-бандида кўрсатилган: “ҳайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганда, тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралиқ масофани сақлаши керак”лиги, 77-бандида кўрсатилган: “ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”лиги кўрсатиб ўтилган бўлишига қарамасдан, ушбу қоидаларга амал қилмасдан, ўзи билан бир йўналишда қарама-қарши йўналишга бурилиш учун белгиланган жойда тўхтаб турган [REDACTED] [REDACTED] г бошқарувида бўлган “Матиз” русумли, [REDACTED] давлат рақамли автомашинаси орқа қисмидан келиб уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган.

Тўқнашув оқибатида [REDACTED] бошқарувида бўлган “Матиз” русумли 85 [REDACTED] давлат рақамли автомашина қарама-қарши йўналишга чиқиб кетиб, [REDACTED] бошқарувида бўлган “Кобальт” русумли 85 [REDACTED] давлат рақам белгили автомашина ҳамда Ёрматов Яндаш Абдисаматович бошқарувида бўлган “Исузу” русумли, 85 [REDACTED] давлат рақам белгили автомашиналар билан тўқнашиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган.

Натижада “Матиз” русумли 85 [REDACTED] давлат рақамли автомашинада ҳаракатланган [REDACTED] РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 14.12.2022 йил кундаги №1137-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, “енгил” тан жароҳати, [REDACTED] РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 14.12.2022 йил кундаги №1136-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра “енгил” тан жароҳати, [REDACTED] РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 14.12.2022 йил кундаги №1068-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, “енгил” тан жароҳати, “Матиз” русумли, 80 М 724 МА давлат белгили автомашинада ҳаракатланган вояга етмаган [REDACTED] РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 13.12.2022 йил кундаги №1157-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, “ҳаёт учун хавфли бўлган оғир” тан жароҳати, вояга етмаган [REDACTED] РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 13.12.2022 йил кундаги №1158-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, “ўртача оғирликдаги” тан жароҳати, “Кобальт” русумли 85 [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинада ҳаракатланган [REDACTED] РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 27.10.2022 йил кундаги №1039-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, “енгил” тан жароҳати, [REDACTED]



РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 27.10.2022 йил кундаги №1044-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, “енгил” тан жароҳати, “Исузу” русумли, 85 давлат рақам белгили автомашинада ҳаракатланган Бозоров Баҳодир Турдиқулович РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 18.11.2022 йил кундаги №1101-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, “оғир” тан жароҳати олган.

Суд мажлисида судланувчи айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2022 йил 18 октябрь куни ўзининг бошқарувида бўлган “Матиз” русумли, 80 давлат белгили автомашинада оила аъзолари турмуш ўртоғи

олиб, Навоий шаҳрида яшовчи қариндошлариникига меҳмондорчиликка кетаётганини, М-37 автомобиль йўли Бухоро-Тошкент йўналишида ҳаракатланиб Кармана тумани ҳудудига кирганидан сўнг, “Моҳинур” тўйхонаси олдида ўтиб, 1-даражали бўлақдан ҳаракатланишни давом эттирганини, М-37 автомобиль йўли 160-км.да у билан бир йўналиш 1-бўлақда бурилиш учун тўхтаб турган “Матиз” русумли автомашинани кўрганини, аммо ушбу автомашинанинг бурилиш чироқлари ёнмаганини, у иккинчи бўлаққа ўтиш учун ён ойнага қараган вақтида, тахминан 5 сония давомида чалғиб қолганини ҳамда йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганини, “Матиз” русумли автомашина қарама-қарши йўналишга чиқиб кетиб, яна 2 та автомашинага зарар етказганини, фарзандлари ҳамда турмуш ўртоғи тан жароҳати олганлиги сабабли, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун Кармана туман Тиббиёт Бирлашмасига олиб боришганини, қилган ишидан пушаймонлигини, енгиллик беришни билдириб кўрсатма берган.

Суд, судланувчи айбига тўлиқ иқрорлик билдирган бўлсада, унинг жиноий ҳаракатлари суд мажлисида аниқланган қуйидаги далиллар билан исботланди.

Жумладан, суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ўз кўрсатмасида, у 2022 йилнинг 18 октябрь куни ишлаш учун бошқарувида бўлган “Матиз” русумли, 85 S давлат рақам белгили автомашинада ўзи Давлат ҳамда Шаҳобиддин билан бирга келиб, соат 18:00да ишини якунлаб, “Матиз” русумли давлат рақам белгили автомашинада уйга қайтиш учун йўлга чиқишганини, автомашинани у бошқарганини, олд йўловчи ўриндиқда Давлат ака, орқа йўловчи ўриндиқда эса Шаҳобиддин ўтирганини, у бурилиб олиш мумкин бўлган жойга келиб, автомашинани бурилиш ишорасини ёқиб тўхтаб йўлдаги автомашиналарни ўтказиб юбориш учун тўхтаганини, шунда орқа томондан бошқа бир автомашина келиб уриб юбориб йўл-транспорт ҳодисаси содир қилганини, автомашина келиб урилганидан сўнг бошқарувидаги автомашина қарама-қарши



йўналишга чиқиб кетиб, Кобальт автомашинасига урилганини, ҳозирда унинг тан жароҳати олганлиги юзасидан моддий даъвоси йўқлигини, аммо “Матиз” русумли, 85 [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинага етказилган 22.445.500 сўм зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатма берган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи [REDACTED] [REDACTED] ўз кўрсатмасида, у 2022 йилнинг 18 октябрь куни соат 18:30да ўзининг бошқарувида бўлган оқ рангли “Кобальт” русумли, 85 J [REDACTED] давлат белгили автомашинада Навоий вилояти Кармана туманидан Бухоро вилояти Ёғдудвон туманига турмуш ўртоғи [REDACTED] ва икки нафар фарзандлари билан йўлга чиққанини, Кармана тумани ҳудудидан ўтувчи “М-37” автомобиль йўлидан автомашинани бошқариб келиб, “LADA авто салони”ни ёнидан ўтиб “Мохинур” тўйхонасига чамаси 300 метрлар қолганда унга қарама-қарши йўналишдан оқ рангли “Матиз” русумли автомашина қайрилиш мақсадида, белгиланган жойдан қайрилиб олиш мақсадида турганини 50 метрлар олдиндан кўрганини, у автомашинаси билан қайрилиб олиш учун тўхтаган автомашина олдида борганида тўхтаб турган “Матиз” автомашинаси орқа томонидан оқ рангли автомашина келиб урилганини, натижада “Матиз” автомашинаси уни йўналишига чиқиб кетиб автомашинанинг ҳайдовчи олд томон бамферида келиб урилганини, 2-3 секундлар ўтмасдан автомашинасининг орқа ўнг томонидан “Исузу” русумли автобус автомашина келиб урганини, натижада автомашина ўнг томонга 7-8 метрлар силжиб кетганини, у автомашидан тушиб турмуш ўртоғи ва фарзандларини автомашинадан тушуриб олиб, тез тиббий ёрдан автомашинаси келиб фарзандларини туман Тиббиёт бирлашмасига олиб кетишганини, ҳозирда унинг тан жароҳати олганлиги юзасидан моддий даъвоси йўқлигини, аммо “Матиз” русумли, 85 S [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинага етказилган зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатма берган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи [REDACTED] вакили [REDACTED] ўз кўрсатмасида, Н.Истамова унинг келини бўлишини, келини 2022 йилнинг 18 октябрь куни соат 18:30да оқ рангли “Кобальт” русумли, [REDACTED] давлат белгили автомашинада содир бўлган йўл транспорт ҳодисаси содир бўлганлиги натижасида келини ва невараси тан жароҳат олганини, ҳозирда унинг тан жароҳати олганлиги юзасидан моддий даъвоси йўқлигини, аммо “Кобальт” русумли автомашинага етказилган зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатма берган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи [REDACTED] ўз кўрсатмасида, у Кармана тумани ҳудудида жойлашган Навоий эркин иқтисодий индустриал зонасида ишлаб келишини, ишга завод томонидан берилган “Исузу” русумли, [REDACTED] давлат белгили автомашина олиб бориб келишини, 2022 йил 18 октябрь куни заводга



М-37 автомобиль йўли орқали олиб кетаётганини, у автобус ҳайдовчисининг орқа ўриндиғида ўтириб кетганини, бирданига ЙТХ содир бўлганини, у ушбу ҳолат қандай содир бўлганлигини кўрмай қолганини, у тан жароҳати олганлиги сабабли, унга етказилган 10 млн сўм зарарни зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатма берган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган фуқаровий даъвогар [REDACTED] [REDACTED] ўз кўрсатмасида, Кобальт” русумли 85 [REDACTED] давлат рақам белгилли автомашина унга тегишли эканини, [REDACTED] акаси [REDACTED] фарзанди бўлишини, Жабборов Бобур Ибодулла ўғли Навоий шаҳри ҳудудида жойлашган “Навоийазот” АЖда ишлаб, турмуш ўртоғи билан Бухоро вилояти Ғиждувон туманидан қатнаганлиги сабабли, унга ўзига тегишли бўлган “Кобальт” русумли, [REDACTED] давлат рақам белгилли автомашинани бошқариш учун тегишли бўлган ҳужжатларни расмийлаштириб берганини, 2022 йил 18 октябрь куни жияни Бобур Кармана тумани ҳудудидан ўтувчи М-37 автомобиль йўли 160-км.да “Тошкент-Бухоро” йўналишида ҳаракатланиб кетиши давомида ЙТХга учраганини билганини, мазкур ЙТХ натижасида унга тегишли бўлган “Кобальт” русумли 85 [REDACTED] давлат рақам белгилли автомашинага жами 23.841.500 сўм ҳамда дарима майдонида сақланганлиги бўйича 760.000 сўм зарар етказилганлиги, шу сабабли етказилган 24.601.500 сўм миқдоридаги зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатма берган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган фуқаровий даъвогар [REDACTED] [REDACTED] ўз кўрсатмасида, у ўғли билан бирга 2021 йил май ойида ўзига тегишли бўлган “Исузу” русумли, [REDACTED] давлат белгилли автомашинани сотиб олганини, сўнг “АЭРО-ТРАНС” МЧЖга ижара асосида ижарага беришганини, 2022 йилнинг 18 октябрь куни “Исузу” русумли, 85 [REDACTED] давлат белгилли автомашинани ҳайдовчи Я.Ёрматов бошқарганини, ва кечга ҳайдовчи қўнғироқ қилиб, ЙТХга учраганини маълум қилганини, ҳозирда мазкур ЙТХ натижасида 4 млн. 801 минг сўм миқдорида моддий зарар етказилганлиги сабабли ушбу зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатма берган.

Шунингдек, судланувчи [REDACTED] айби туман ИИБ НКдаги Шакл-1 китобига №5821-рақам билан қайд этилган билдирлги билан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизма ва суратлари билан, видео тасвирларни кўздан кечириш баённомаси ҳамда видеотасвирлари билан, РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 14.12.2022 йил кунидаги №1137-сонли “судга оид тиббий экспертиза” хулосаси билан, РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 14.12.2022 йил кунидаги №1136-сонли “судга оид тиббий экспертиза” хулосаси билан, РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 14.12.2022 йил кунидаги №1068-сонли “судга оид тиббий экспертиза” хулосаси билан, РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 13.12.2022 йил кунидаги №1157-сонли “судга оид



тиббий экспертиза” хулосаси билан, РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 13.12.2022 йил кунидаги №1158-сонли “судга оид тиббий экспертиза” хулосаси билан, РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 09.12.2022 йил кунидаги №1162-сонли “судга оид тиббий экспертиза” хулосаси билан, РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 09.12.2022 йил кунидаги №1163-сонли “судга оид тиббий экспертиза” хулосаси билан, РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 14.12.2022 йил кунидаги №1136-сонли “судга оид тиббий экспертиза” хулосаси билан, РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 27.10.2022 йил кунидаги №1039-сонли “судга оид тиббий экспертиза” хулосаси билан, РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 27.10.2022 йил кунидаги №1044-сонли “судга оид тиббий экспертиза” хулосаси билан, РСТЭИАМНФ Кармана туман бўлинмасининг 18.11.2022 йил кунидаги №1101-сонли “судга оид тиббий экспертиза” хулосаси билан, Навоий вилояти ИИБ ЭКБнинг 12.12.2022 йил кунидаги №1111-сонли “судга оид автотехник экспертиза” хулосаси билан, Навоий вилояти ИИБ ЭКБнинг 12.12.2022 йил кунидаги №1114-сонли “судга оид автотехник экспертиза” хулосаси билан, Навоий вилояти ИИБ ЭКБнинг 12.12.2022 йил кунидаги №1112-сонли “судга оид автотехник экспертиза” хулосаси билан, Навоий вилояти ИИБ ЭКБнинг 12.12.2022 йил кунидаги №1113-сонли “судга оид автотехник экспертиза” хулосаси билан, Навоий вилояти ИИБ ЭКБнинг 12.12.2022 йил кунидаги №1115-сонли “судга оид трассологик экспертиза” хулосаси билан ҳамда бошқа иш материалларида тўпланган далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиши баданга оғир оғирликда шикаст етказилишига сабаб бўлишида ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддасига кўра судланувчи [REDACTED] жазони енгиллаштирувчи ҳолатлари ва Ўзбекистон Республикаси ЖК 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ



бўлиши керак” деб кўрсатилган раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, унинг муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий аҳволини инобатга олиб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш жазосини тайинлашни, шунингдек, унга ЖК 45-моддасига асосан қўшимча жазо сифатида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни ва гаров сифатида қўйилган “Матиз” русумли, 80 М 724 МА давлат белгили автомашинанинг транспорт воситасини техник қайд этиш гувоҳномасини унинг ўзига қайтаришни лозим топди.

Суд, Кармана туман прокурорининг судланувчи [REDACTED] фойдасига 5.400.000 сўм, фуқаровий даъвогар [REDACTED] фойдасига 31.841.500 сўм, фуқаровий даъвогар [REDACTED] фойдасига 4.801.000 сўм моддий зарарни ундириб беришни сўраб берган даъво аризасини муҳокама қилиб, ушбу аризани қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Суд, жиноят иши ҳужжатларида ООО “BIZNES EKSPERT VAHO” МЧЖ [REDACTED] тегишли “Матиз” русумли, 85 [REDACTED] давлат рақамли автомашинага етказилган зарар 21.155.500 сўм эканлиги ҳақидаги баҳолаш хулосаси ва “KARMANA OQ SAROY” МЧЖ томонидан ушбу автомашина жарима майдонида турганлиги учун 1.000.000 сўм ҳамда эвакуатор хизмати учун 300.000 сўм тушланганлиги ҳақидаги маълумотномани, [REDACTED] томонидан олинган тан жароҳатлари юзасидан Тошкент шаҳар “MINGVA FARM SERVIS” МЧЖнинг маълумотномасига асосан 4.500.000 сўм, “Гиёҳ” хусусий корхонасининг 31.10.2022 йилдаги маълумотномасига асосан 3.279.400 сўм ва бошқа чекларни, [REDACTED] тегишли “Кобальт” русумли, [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинага “FLAWLESSS INBOUND” МЧЖД томонидан етказилган зарар 23.841.000 сўм эканлиги ҳақидаги хулосаси ва жарима майдонида сақланаганлиги учун 760.000 тўланганлиги ҳақидаги паттани, [REDACTED] тегишли бўлган “Исузу” русумли, [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинага “OLIMP-BAHOLASH VA EKSPERTIZA MARKAZI” МЧЖнинг хулосасига асосан 4.801.000 сўм моддий зарар етказилганлигини инобатга олиб, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] фойдасига жами 22.445.500 сўм моддий зарарни, жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 10 млн сўм моддий зарарни, фуқаровий даъвогар [REDACTED] фойдасига 24.601.500 сўм моддий зарарни, фуқаровий даъвогар [REDACTED] фойдасига 4.801.000 сўм моддий зарарни ундиришни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддасининг 1-бандида: жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши натижасида ўзини мулкый зиён кўрган деб ҳисобловчи шахс ёхуд унинг вакили жиноят иши қўзғатилган пайдан бошлаб то суд тергови бошлангунга қадар фуқаровий даъво қўзғатишга ҳақлидир, деб, ушбу модданинг 5-қисмида: жиноят процессида фуқаровий даъво қўзғатмаган шахс, шунингдек даъвоси кўрилмасдан қолдирилган шахс уни фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида қўзғатишга ҳақлидир деб кўрсатилган.

Суд, юқорида кўрсатилган қонун талабларидан келиб чиқиб, жабрланувчи [REDACTED] қолган моддий зарар ҳамда маънавий зарар юзасидан, фуқаровий даъвогар [REDACTED] қолган ва келгусида юзага келадиган моддий зарар юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 276-моддасининг 5-қисми тартибида фуқаролик судига даъво қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топди.

Суд, жиноят иши юзасидан ҳодиса содир бўлган жойдан олинган видеотасвирлар акс эттирилган бир дона ДВД дискни ушбу жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд ҳукм қилади,

#### Ҳ У К М:

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин ва унга ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ойлик иш ҳақининг 15 (ўн беш) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳукм ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси муддати жазони ўташ муддати у жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижроси устидан назорат Бухоро вилояти, Шофиркон туман ИИО Пробация гуруҳига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач [REDACTED] нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаров сифатида қўйилган “Матиз” русумли, 80 [REDACTED] давлат белгили автомашинанинг транспорт воситасини техник қайд этиш гувоҳномаси унинг ўзига қайтарилсин.



Кармана туман прокурорининг даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 22.445.500 сўм моддий зарар, жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 10.000.000 сўм моддий зарар, фуқаровий даъвогар [REDACTED] фойдасига 24.601.500 сўм моддий зарар ва фуқаровий даъвогар [REDACTED] фойдасига 4.801.000 сўм моддий зарар ундирилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] қолган моддий зарар ҳамда маънавий зарар юзасидан, фуқаровий даъвогар Х [REDACTED] қолган ва келгусида юзага келадиган моддий зарар юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 276-моддасининг 5-қисми тартибида фуқаролик судига даъво қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Жиноят иши юзасидан ҳодиса содир бўлган жойдан олинган видеотасвирлар акс эттирилган бир дона ДВД диск ушбу жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган, маҳкум, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, 20 (йигирма) сутка муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят ёки прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи, судья:

А.Сайдуллаев

